



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2012 йил 19 апрель, № 76 (5496)

Пайшанба

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

9 май умумхалқ байрами — Хотира ва қадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек, 1941 — 1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 67 йиллиги нишонлини муносабати билан ҳамда уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш мақсадида:

1. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 400 000 (тўрт юз минг) сўм миқдорда бир марталик пул мукофоти белгилансин.

2. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ сарф-харажатлар республика бюджетни маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Марказий банки Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига ушбу пул мукофотининг тантанали ва байрамона вазиятда топширилишини таъминласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Бадий академия, Хотин-қизлар қўмитаси, Республика Маънавият тарихот маркази, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармалари, бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Ватанимиз озодлиги ва шаъну шарафи ҳимоячиларига бағишланган махсус учрашувлар ва маърифий-бадий кечалар ўтказсин.

5. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2012 йил 18 апрель

Дунё нигоҳи

Нью-Йорк шаҳрида "Глобаллашув даврида оила ва аънавий қадриятларни асраш: Ўзбекистон таъриби" мавзуга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидagi доимий ваколатхонаси, мамлакатимизнинг Нью-Йоркдаги Бош консулига ҳамда "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси томонидан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу анжуманда "Мустақкам оила йили" Давлат дастурининг асосий мазмуни, мақсад ва вазифалари билан боғлиқ масалаларга эътибор қаратилди.

«Мустақкам оила йили» Давлат дастури Нью-Йоркда тақдим этилди

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг биносида бўлиб ўтган мазкур тадбирда Американинг эксперт ва олимлари, жамоатчилик доиралари ва БМТ хузурида аккредитациядан ўтган дипломатия корпуси ҳамда бошқа халқаро ташкилотлар вакиллари ҳозир бўлдилар. Маълумки, ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган санасини нишонлаш арафасида давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатимизда келгуси йилда амал қилинадиган йўналиш белгиланиши Ўзбекистонда янги аъна тусини олган.

2012 йил Ўзбекистонда "Мустақкам оила йили" деб эълон қилинган жамиятнинг бош бўғини бўлиши оилани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича юртимизда олиб борилаётган ишларнинг мантикий давомидир.

Давра суҳбатини очар экан, Ўзбекистоннинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидagi доимий вакили жорий йил республикамизда оила институтини янада мустақкамлаш ва ривожлантириш, оилани қўллаб-қувватлаш ҳамда унинг манфаатларини ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан муҳофаза қилиш, оиланинг жисмонан соғлом, маънан етук ва баркамол авлодини

тарбиялашдаги ролини юксалтириш, маҳаллаларнинг оила мустақкамлигини таъминлашдаги мақоми ва ўрнини оширишга бағишланганини қайд этди.

Тадбир иштирокчилари Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган ва оила институтини мустақкамлашга қаратилган қонунчиликнинг асослари билан атрафлича танишдилар. Тадбир чоғида қайд этилганидек, Ўзбекистонда оилани қўллаб-қувватлаш ҳамда давлат сиёсатининг ижтимоий йўналтирилганлиги 1992 йилда қабул қилинган Конституциямизда алоҳида белгилаб қўйилган. Унда, жумладан, оиланинг мақоми, эр ва хотиннинг тенглиги тамойили, ота-оналарнинг фарзандларга нисбатан мажбуриятлари ва вояга етган фарзандларнинг ўз ота-оналарига ғамхўрлик қилиш борасидаги жавобгарлиги мустақкамланган. Қолаверса, давлат етим болалар ва ота-она вазийлигидан айрилган болаларга ғамхўрлик кўрсатади. Бу ва бошқа масалалар 1998 йилда қабул қилинган Оила кодексиди янада ривожлантирилди. Мазкур ҳужжатлар Ўзбек халқининг энг яхши аъналарини ўзида акс эттиргани анжуманда алоҳида таъкидланди.

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

Хотин-қизлар учун атир-упа, косметика воситалари ишлаб чиқариш саноатиди ҳали-хануз Европанинг машҳур компаниялари етакчилиқни қўлдан бой бермай келаётгани сир эмас. Жаҳон бозориди рақобатбардошлиги ва хариддорчилиги билан ажралиб турадиган бундай маҳсулотлар қаторига бугун мамлакатимизда тайёрланаётган юқори сифатга эга пардозлаш воситалари ҳам қўшилаётгани қувонарлидир.



Жаҳон бозориди рақобатбардош

«Биолайн-косметикс» қўшма корхонаси маҳсулотлари ана шундай эътирофга сазовор бўлмоқда.



Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманидаги "Биолайн-косметикс" қўшма корхонаси фаолияти бунга яққол мисол бўла олади. Ҳозир бу ерда эллик нафардан зиёд маҳаллий ёшлар томонидан 100 турдан ортиқ парфюмерия маҳсулотлари ишлаб чи-

қарилмоқда. Хусусан, ўнлаб хилдаги ювиниш воситалари, соч бўёқлари, инсон танасини озиқлантирувчи бальзамлар ва бошқа косметика воситалари қисқа фурсатда нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам доврақ қозониб улгурди.

— Корхонамизда хом ашё танлаш, уни бойитишдан тортиб тайёр маҳсулотни қадоқлашгача бўлган барча жараён қатъий назоратга олинган, — дейди бош технолог Дилмурод Эгамов. — Бу эса тайёрланаётган косметикалар сифатини янада оширишда муҳим

омил бўлмоқда. Мазкур жараёнда, аввало, маҳсулот таркибиди табиий дармондори ва экстрактлар микдорининг талаб даражасида бўлиши, унинг муолажа хусусиятларини тобига келтириш кўзда тутилади. Корхонамиз қошидаги махсус биокимёвий лаборатория ва унинг малакали мутахассислари кундалик иш фаолияти ҳам, асосан, шунга қаратилган. Қолаверса, маҳсулотларимиз харидор диди ва талабидан келиб чиққан ҳолда, бежирим идишларга вакуум ёрдамида қадоқланапти. Бу эса уларнинг сифати узоқ вақт асл ҳолидек сақланишини таъминламоқда.

Дарҳақиқат, муваффақият омиллари ҳақида гап борганда, корхонага кейинги икки йил ичида жаҳон парфюмерия саноатининг энг илғор ускуна ва технологик линиялари келтириб ўрнатилганини таъкидлаш жоиз. Бу жиҳозлар Европа мамлакатларидан олиб келинди. Натижада ишлаб чиқариш ҳажми ошиб, маҳсулот тури кўпайди. Ўтган йилли жамоа 2 миллиард 800 миллион сўмлик маҳсулотни ички бозорга чиқаргани, 200 минг АҚШ долларлик товарни эса экспорт қилишга муваффақ бўлгани бунинг исботидир.

(Давоми 2-бетда).

Ғайратли, фаол, ташаббускор

Наманган вилоятида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази ҳамда "Аёллар кенгаши" жамоат бирлашмаси ҳамкорлигида ташкил этилган "Биз — бир жамоа, биз — бир оила" номли акция тадбирлари ўтказилди.

«Биз — бир жамоа, биз — бир оила»

Ёшларни эзгу мақсадлар йўлида бирлаштириш, уларнинг иқтидори, интилиши ва ташаббусларини қўллаб-қувватлашга қаратилган мазкур лойиҳа бу гал 10 минг нафардан зиёд йигит-қизларни жамлади.

Акциянинг ёшлар ташаббуслари форумида академик лицей, касб-хунар коллежи ва олий ўқув юртиларида таълим олаётган иқтидорли ўқувчилар, талабалар иштирок этишди. Форумда фан, ишлаб чиқариш ва кичик бизнес соҳаларидаги инноватсион гояларни амалиётга татбиқ этиш, журналистика соҳасига қизиқувчи ёшлар учун маҳорат сабоқларини ташкил қилиш

сингари мавзулар хусусида сўз юритилди. Шундан сўнг тадбирнинг истиқболли лойиҳалар тақдимотида алоҳида эътирофга сазовор бўлган бир гуруҳ йигит-қизлар тақдирландилар.

Вилоятдаги "Ёшлар маркази"да эса шу куни "Таълим ва карьера" кўргазмаси бўлиб ўтди. Ўқув муассасаларининг битирувчилари учун қулай имкониятлар эшигини очишга хизмат қилаётган ушбу тадбир бу гал ҳам юзлаб ёшларда катта қизиқиш уйғотганлигини қайд этиш жоиз. Чунки кўргазмада Ёшларни иш билан таъминлашга кўмаклашувчи марказ экспертлари, вилоятдаги 50 дан зиёд

корхона, ташкилот ва олий ўқув юртиларининг мутахассислари иштирок этди.

— Бугун кўпдан буюн орзу қилганимдек, вилоятимиздаги энг нуфузли ташкилотлардан бири — "Наманганмаш" акциядорлик жамиятида ишлаш учун йўлланмага эга бўлдим, — дейди коллеж битирувчиси Бехзод Абдусаматов. — Таълим жараёнида машинасозлик технологияси йўналиши бўйича пухта билим олишга интиланганим боис танлаган соҳамда маалаки мутахассис бўлиб етишишимга ишонаман.

(Давоми 2-бетда).

Асосий мақсад — йўловчилар хавфсизлиги

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар самараси бугун барча соҳаларда намоён бўлмоқда. Жумладан, автомобиль ва дарё транспорти тармоғида ҳам ижобий ўзгаришлар рўй бераётир. Замонавий технология ҳамда ускуналарнинг кенг жалб қилинаётгани туфайли аҳолига қулай ва мақбул хизмат турлари жорий этилмоқда.

Анжуман

Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан оммавий ахборот воситалари вакиллари учун "Мамлакатимизда йўналишсиз такси қатновларини ривожлантириш бўйича вазифалар, амалиёт ва тажрибалар" мавзусида ташкил этилган матбуот анжуманида шу каби янгиликлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Таъкидландики, юртимизда таксилар фаолияти "Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талаблари доирасида шакллантирилган. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 майдagi "Йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинган, мазкур хизмат тури сифат жиҳатидан мутлақо ўзгарди.

(Давоми 2-бетда).

Ярмарка

Куни кеча "Ўзэкспомарказ" мажмуасида ҳудудий ва тармоқлар саноат ярмаркалари иш бошлади. Шу йил 23 — 27 октябрь кунлари бўлиб ўтадиган VI Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг биринчи босқичи доирасида ташкил этилган мазкур тадбирда иқтисодий таълимнинг коммунал соҳаси, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси тармоқлари корхоналари ўз маҳсулотлари ҳамда хизматлари билан иштирок этмоқда.

Иқтисодий алоқалар майдони

Ярмарканинг очилиш маросимида таъкидландики, Президентимиз ташаббуси билан аънавий тарзда ўтказилаётган мазкур йирик анжуман иқтисодий тармоқларини ривожлантириш, айниқса, саноатга хориж инвестициясини жалб этиш, маҳсулот етказиб бериш бўйича кооперация алоқаларини кенгайтириш, ташқи савдо бозорларига чиқиш борасида қўшма имкониятлар эшигини очиб берди. Шу боис ишлаб чиқарувчиларнинг унга бўлган қизиқиши тобора ортиб бораётир. Буни ўтган йилги ярмаркада жаҳоннинг 58 мамлакатидан илғор фирма ва компанияларнинг 850 нафардан зиёд вакили иштирок этгани яққол кўрсатиб турибди. Улар форумлар доирасида 1030 дан зиёд маҳаллий корхоналарнинг хилма-хил маҳсулот

ва хизматлари, техник ва технологик имкониятлари билан яқиндан танишдилар. Натижада тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва ускуналарни етказиб бериш ёки сотиб олиш бўйича кўплаб шартномалар тузилди. Уларнинг изчил ижроси таъминланаётгани туфайли шу йилнинг ўтган даврида импорт ўрнини босувчи янги турдаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 28 февралдаги 2012 йилда Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасини ташкил этиш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорига мувофиқ, бу тадбирнинг икки босқичида ўтказилаётгани айни муддао бўлди.

(Давоми 2-бетда).

Мамлакатимизда:

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Жизза

Мирзачўл туманида тиббиёт ватаси ишлаб чиқаришга иқтисодлаштирилган корхона фаолият бошлади.

Мирзачўлдан — хорижга

— Йилига 400 тонна толани қайта ишлаш қувватига эга технологияларни ишга тушириш учун ўз маблағимиздан ташқари банкнинг 375 миллион сўмлик молиявий кўмагидан фойдаландик, — дейди жамият раҳбари Шухрат Жомбоев. — Айни пайтда жамоамиз томонидан Россия Федерациясига буюртма асосида маҳсулот тайёрланмоқда.

20 киши меҳнат қилаётган корхона тўла қувват билан ишлаб бошлагач, ишчилар сони икки баробарга ортади. Эътиборлиси, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг 90 фоизи экспорт қилинмоқда.

У. АДИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Фарғона

Иқтисодий ночор, инқирозга учраган корхоналарнинг тижорат банклари тасарруфига ўтказилиши бугун ўз самарасини бермоқда.

Янгилини самараси

Хусусан, ўтган йили Фарғона вилоятидаги 16 та саноат корхонасида молия муассасалари кўмаги билан ишлаб чиқариш тўлиқ қайта тикланди. Ушбу мақсадлар рўйи учун 90 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди.

Вилоят марказида фаолият кўрсатаётган "Сабо-поябзал" корхонаси ҳам ана шундай ишлаб чиқариш субъектларидан бири. "Алоқабанк"нинг молиявий кўмаги билан бу ерда жаҳон стандартларига жавоб берадиган 100 турдаги оёқ кийим маҳсулотлари тайёрлаш ўлаштирилди. Энг муҳими, 60 нафарга яқин мутахассислар яна ўз иш жойларига қайтишди. Улар томонидан қисқа фурсатда 20 минг жуфтдан ортиқ поябзал тайёрланиб, савдога чиқарилиди.

Н. СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Хоразм

Хоразм вилоятида ерларни замонавий лазер қурilmаси ёрдамида текислашга киришилди. Айниқса, Урганч, Қўшқўпир, Гурлан туманларида бу ускунадан кенг фойдаланилмоқда.

Лазер ёрдамида текисланади

Унинг ёрдамида дала майдони юзаси паст-баландлиги 3 сантиметрдан ошмайдиган даражада текисланади. Бу эса сув, ўғит ва энергия ресурсларини тежаш имконини беради. Хусусан, сув сарфи 25 фоизгача камайдди. Тупроқ шароитининг олди олинади. Намлик бир меъёрга сақланади. Шу билан бирга, ҳосилдорлик гектарига 7 центнергача ошади. Бу синов даврида тўлиқ исботланган.

Ушбу лойиҳа Глобал экологик жамғармасининг Кичик грантлар дастури доирасида амалга оширилмоқда.

О. РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Янги иш ўринлари кўпаймоқда

2012 йилда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш ҳисобидан

480 мингдан зиёд янги иш ўринлари ташкил этиш кўзда тутилмоқда.

Бу жараёнда аҳоли зич жойлашган ҳудудларда кичик ишлаб чиқариш корхоналарини ишга тушириш, меҳнат шартномалари асосида касаначилиқнинг турли шакллари ривожлантириш, шунингдек, оилавий бизнесни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилиши мўлжалланмоқда.



MIKROKREDITBANK

Хар бир мамлакатнинг куч-қудратини белгилаб берадиган, аҳоли турмуш фаровонлиги ва осойишта-лигини таъминлайдиган асосий омил — унинг иқтисодий тараққиёти. Шу маънода, Ўзбекистонимизни бу борада беқиёс имкониятга эга ва юксак салоҳиятли давлат, дейиш учун барча асослар етарли. Сабаби, кейинги йил-ларда иқтисодиётнинг барча тармоқларида барқарор ўсиш суръатлари қузатилиб, одамларнинг турмуш даражаси тобора яхшиланиб бораётти. Бунга жамият ичидаги кичик жамият дея эътироф этилаётган оилалар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Дарҳақиқат, республика-мизда оилаларнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш мақсадида кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, оилавий бизнес ва хусусий тадбиркорликни йўлга қўйиш, уни ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратиб берилаяпти. Айниқса, ушбу соҳага кўплаб имтиёзлар жорий қилинаётгани оилаларнинг тадбиркорлик истеъдодини юзага чиқаришда кўл келаяпти. Бу жараёнда "Микрокредитбанк" очик акциядорлик тижорат банки фаол иштирок этиб, қарийб олти йиллик фаолияти давомида юртимиздаги ҳар бир оиланинг ички имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, ўз бизнесини бошлаши учун микроолиявий хизматлар кўрсатиб келаётгани алоҳида эътиборга лойиқдир.

Президентимиз ташаббуси билан 2012 йил "Мустаҳкам оила йили" деб номлангани ҳамда шу муносабат билан махсус Давлат дастури қабул қилинган бу борадаги ишларни янги босқичга кўтарди. Айни пайтда ушбу банк томонидан мазкур дастурнинг ижроси йўлида муайян ишлар бажарилаётир. Гап шундаки, жорий йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 202,8 миллиард сўмлик микроолиявий хизматлар кўрсатиш бўлими ташкил қилинган. Кредитлар ажратилишида эса тармоқ ва худудий дастурларга қиратиш ҳамда янги иш ўринлари яратиш билан боғлиқ лойиҳаларни молиялаштиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Шу мақсадда иш олиб бораётган банк жамоасининг 2012 йил биринчи чорагидаги фаолияти самарали бўлди. Бу даврда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 72,8 миллиард сўм миқдорда кредитлар ажратилгани, шундан имтиёзли микроолиявий хизматлар миқдори 41,3 миллиард сўмликка етказилиб, белги-ланган прогноз-кўрсаткич 102 фоизга бажарилгани бунинг яққол исботидир. Натижада 26 минг 242 та иш ўрни ташкил этилди.

Оилалар, хусусан, ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масаласи устувор вазифалардан бири ҳисоблана-

«Микрокредитбанк»: ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК — ФАРОВОНЛИК МЕЗОНИ

мижозларнинг 56 фоизи банкнинг айнан кичик миқдордаги бошланғич сармоясидан баҳраманд бўлган мижозлардир.

Диплом билан бизнесга

"Мустаҳкам оила йили" Давлат дастуридан келиб чиққан ҳолда, банк "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази билан ҳамкорликда бир қатор тадбирларни рўйга чиқармоқда. Шунингдек, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал демократик партияси билан "Диплом билан бизнесга" мавзусида ўқув-семинарлар ташкил этиш бўйича кўшма қарор имзоланган бўлиб, шу асосда ўтказилаётган тадбирлар ёшларнинг бизнес борасидаги қўбилиятини ўстиришга хизмат қилаяпти. Шу каби яна бир лойиҳа Халқ демократик партияси билан биргаликда амалга ошириляпти.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, ЎзЛиДеП, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди,

ган тартибда кўриб чиқиб, бошланғич сармоя ажратиш келмоқда. Президентимизнинг 2010 йил 28 июлдаги "Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони бунда дастурил-амал бўлмоқда.

Банк томонидан жорий ўқув йилида касб-хунар коллежларини битириб чиққан, айнан эгаллаган касблари бўйича тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истагида бўлган йигит-қизларимизга бошланғич сармоя микрокредитлари ажратиш бўйича

моя микрокредити ажратиш амалиёти йўлга қўйилгани ҳам ўз самарасини бермоқда. 19 ёшли Паризод Тўхтошева — шундай имтиёزلардан фойдаланган тадбиркорлардан бири. У ўтган йили Хўжабод туманидаги касб-хунар коллежини тамомлаб, ўқиш давомида ўрганган қандолатчилик ҳунарини амалиётга жорий қилиш учун ихчамгина цехни ишга туширди.

— Коллежда ўқиб юрган чоғимда "Диплом билан бизнесга" мавзусида семинар ўтказилди, — дейди П. Тўхтошева. — "Микрокредитбанк"нинг бу лойиҳаси аввалги тадбирлардан мутлақо фарқ қилади. Семинар-

лигига биноан кичик миқдордаги микросармоялар ажратилмоқда.

Қизилтепа туманидаги трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Халима шўхрати" хусусий корхонаси ўз фаолиятини икки йил аввал бошлаган эди. Ўтган қисқа давр ичида унинг маҳсулотлари ўз харидорларини топа олди. Натижада 25 нафар ишчи томонидан ишлаб чиқариш суръати муттасил ошириляпти.

— Ўтган йил бошида банк томонидан 45 миллион сўмлик микросармоялар ажратилиши биз учун айна муддао



мамлакатдан қарийб 340 та молия муассасаси қатнашди. Халқаро анжуманда Ўзбекистон Республикасининг "Микрокредитбанк" очик акциядорлик тижорат банки ёшларга молиявий хизматларни кўрсатиш ва таълим дастурлари учун шарт-шароит яратиш бўйича етакчи, болалар ва ёшларни молиялаш каби йўналишларни ташкил этаётган биринчи банк сифатида эътироф этилди.

Шунингдек, жорий йилнинг шарт ойда Халқаро "Fitch Ratings" агентлиги банкнинг кредитга лаёқатлилик даражаси учун тақдим этган "Барқарор" рейтингини 2012 йилги прогнозлар бўйича яна бир бор тасдиқлади. Бундан ташқари, "Микрокредитбанк"ка Халқаро ижтимоий йўналишдаги "MICROFINANZA RATING" компанияси томонидан халқаро меъёрларга мувофиқ "SBB — Амалда ўз мақсад ва вазифаларини рўйга чиқариш ва зиммасига юклатилган ижтимоий вазифаларни самарали бажариш бора-сида етарли қўбилиятга эга, ўз ижтимоий мақсадларига эришиш эҳтимоллиги юқори бўлган банк" деган ижтимоий рейтинг тақдим этилди.

Бутунжаҳон микроолиявий ташкилотларининг ахборот алмашинуви — "MIX-MARKET" агентлиги ҳисоботларига кўра эса, Марказий Осиё ва Европадаги микрокредитлар бериш йўналишида йириклиги бўйича жаҳоннинг энг яхши 100 банки сафига кириб, 5 олмосли микроолиявий хизматлар кўрсатуви банк сифатида эътироф этилган, Осиё банкирлари уюшмаси аъзолигига қабул қилинган "Микрокредитбанк"нинг халқаро доирадаги обрўйи тобора ортиб бораётганидан ёрқин далолатдир. Бостон (АҚШ)да нашр этиладиган "Микрокапитал бозори ахборотномаси" журнали томонидан чоп этилган рейтингга асосан, Марказий Осиё ва Европадаги 151 микрокредит банки ичидаги энг яхши 10 та банк орасида "Микрокредитбанк" ОАТБ 5-ўринни эгаллагани эса нафақат мазкур молия муассасасида, балки мамлакатимиз банк-молия тизимида амалга ошириляётган ишчи молиявий хизматлардан тўғри эканлигининг ёрқин эътирофидир.

прогноз кўрсаткичлар ҳам ишлаб чиқилди. Унга кўра, ушбу мақсадга йўналтирила-диган кредитлар миқдорини ўтган йилдагига нисбатан 1,2 баробарга оширилиб, 6,2 миллиард сўмга етказилиши мўлжаллангани ёшлар учун катта имкониятдир.

да банк ходимлари тадбиркорлик фаолиятини бошлаш, бунинг учун яратилган имкониятлар ҳақида батафсил тушунча беришади. Айниқса, банк томонидан камфоизли микрокредитлар ажратилаётгани менда қизиқиш уйғотди. Шундай тадбирлар асосида тадбиркор-

бўлди, — дейди мазкур корхона раҳбари Руқия Бақроева. — Ушбу маблағ ҳисобига замонавий тикув машиналари сотиб олдик. Бу, ўз навбатида, иш ҳажми, буюртмалар миқдори ўсишини таъминляпти. Айни пайтда корхонамизда аёллар ва эркек-

лаш, шунингдек, зарур хом ашё ва материаллар билан барқарор таъминлашда кўплаб қулайликлар яратиб берди. Банк томонидан мазкур хужжатнинг изчил ижроси таъминланиб, ўтган даврда 9,9 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди. Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 28 январдаги "Маҳаллий ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, 8,2 миллиард сўм йўналтирилди. Қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис объектларини ишга тушириш дастурига кўра эса, 13,3 миллиард сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилди.

Самарали фаолиятга муносиб баҳо

Жорий йил 10-11 апрель кунлари Марказий банк томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўрсатиляётган банк-молия хизматларини тарғиб этиш ва яқиндан таништириш



Хозирги кунда касб-хунар коллежларининг битирувчилари ўртасида тадбиркорликни йўлга қўйиш борасида банк томонидан кўрсати-

лиқни бошлаш, бизнес-режа тузишни ўрганиб олдим. Дипломни қўлимга олгач, "Микрокредитбанк"ка мурожаат қилдим. Банкдан 1 миллион 600 минг сўмлик микрокредит олиб, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйдим. Хозир тўрт нафар дугонам билан тайёрлаётган маҳсулотларимизга талаб ортиб бораёпти. Шу боис фаолиятимизни янада кенгайтиришни режалаштираёғимиз.

лар либослари, мактаб формалари, қурилиш ташкилотлари учун ишчи кийимлари ва футболкалар тикилмоқда. Банк "Шарқ аёли" ва "Аёл-

Рақамлар сўзлайди

2012 йил 1 апрель ҳолатига кўра, банк томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун жами 72,8 млрд. сўм миқдорда кредитлар ажратилди.

Кўрсатилган микроолиявий хизматлар ҳажми 41,3 млрд. сўмликни ташкил қилди.

Ёш оилаларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадлари учун 6,8 млрд. сўм маблағ йўналтирилди.

Рақамлар сўзлайди

Касб-хунар коллежлари битирувчиларига бизнес фаолиятини йўлга қўйишлари учун 1,4 млрд. сўмлик имтиёзли микрокредитлар берилди.

Тадбиркор аёлларнинг инвестициявий лойиҳаларини молиялаштиришга 10,5 млрд. сўм сарфланди.

Банк молиявий кўмаги эвазига яратилган иш ўринлари сони 26 минг 242 тага етди.

Аёл тадбиркор бўлса...

Бугун хотин-қизларимиз барча соҳада, хусусан, тадбиркорликда ҳам ўз иқтидорларини намойён қилмоқда. Уларнинг фаолияти молия муассасалари томонидан рағбатлантириляётган муваффақиятлар эшигини очмоқда. Бунга "Микрокредитбанк" мижозлари ҳаётдан кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Банк мижозларининг асосий қисмини хотин-қизлар ташкил этади. Уларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий йилнинг ўтган даврида 10,5 миллиард сўм миқдорда кредитлар ажратилгач, 5 минг 972 та иш ўрни ташкил этилди. Аёлларнинг бизнес лойиҳаларини молиялаштириш ишларини янада кенгайтириш, хотин-қизларнинг банк кредитларидан фойдаланишлари учун кўшимча шароитлар яратиш учун янги таъминот турлари жорий этилинган қисмига айтганда, эндиликда гуруҳ қафиллиги, яъни кредит олувчиларнинг бир-бирига ишончи асосида, шунингдек, жисмоний шахслар қафил-


Марказий банк билан ҳамкорликда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, илғор тажрибаларни омаллаштириш ва қулай бизнес муҳитини яратиш ҳамда ижтимоий ҳамкорликни ри-

лабдиган микроолиявий хизматлар бўйича семинарлар ташкил этиш ҳаракати бошлаб юборилган. Тадбирлар чоғида ёшларга кўргазмалар воситалари ёрдамида банк хизматлари турлари ва кредит амалиётларини тўлиқ ёритиб бериш пайидан бўлинмоқда. Бугунга қадар битирувчи ёшларга 1,4 млрд. сўм миқдорда кредитлар ажратилиб, улар тадбиркорликка жалб этилгани диққатга сазовор.

Меҳнат бозорига кириб келаятган ёшларнинг кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасидаги фаолиятини йўлга қўйишда банк ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтириш, айниқса, аҳолининг кам таъминланган қисмига микроолиявий хизматлар кўрсатишда энгиллик бериш мақсадида жисмоний шахс қафиллиги асосида бошланғич сар-


Модернизация — янгича ишлаш имконияти

Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори корхоналарни замонавий технологик ускуналар билан қайта жиҳозлаш ва модернизация-



ди. Ўтган даврда 1 минг 48 та ёш оилага 6,8 миллиард сўм миқдорда кредитлар йўналтирилгани бунга мисол бўла олади. Шу билан бирга, оилавий бизнесни йўлга қўйиш ёки тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга аҳд қилган кишилар учун салкам 4 миллиард сўмлик имтиёзли микрокредитлар ажратилди. Пировардида 1 минг 738 нафар кишининг бандлиги таъминланди.

вожлантириш мақсадида эса "Бир тадбиркор — учта ҳамкор" акцияси ўтказилмоқда. Ҳаётга татбиқ қилинаётган кўшма лойиҳалар, уларнинг самараси ҳақида гап кетганда, мазкур молия муассасаси ва вилоят ўрта махсус, касб-хунар коллежи таълим бошқармалари томонидан амалга ошириляётган "Банк ва коллеж ҳамкорлиги" лойиҳасига алоҳида тўхталиш жоиз. Нега деганда, у ёшларни тадбиркорликка жалб этиш, бандлигини таъминлашда кўшимча имконият яратаётир. Банк лойиҳа доирасида вилоятлар коллежлар бошқармаси томонидан тақдим этилган бўлажак тадбиркор-битирувчиларнинг манзилли рўйхатини ўрнатил-



"Таълим муассасалари битирувчиларини қўллаб-қувватловчи энг яхши банк" номинациясида ғолиб бўлди. Банкнинг бу каби ютуқлари халқаро миқёсда ҳам эътироф этилаётгани эса унинг самарали фаолиятига нисбатан берилган юксак баҳодир. ...Яқинда Амстердам шаҳрида (Голландия) Ёшларнинг молиявий фаолиятларини ривожлантириш ташкилотининг (Child and Youth Finance International) I Халқаро саммити ва тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. ЮНИСЕФ, ЮНЕСКО, Делойт, "KPMG", "ERNST&YOUNG" ва бошқа халқаро ташкилотлар иштирокида ташкил этилган мазкур нуфузли тадбирда 80 та

Бугун мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик қудратли яратувчи кучга айланмоқда. Зеро, соҳани молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратиляётган эътибор замирида мулкдорларнинг ўрта синфни шакллантириш, ишлаб чиқаришда барқарорликка эришиш ҳамда оилаларимиз фаровонлигини таъминлашдек эзгу мақсад мужассам. "Микрокредитбанк" эса ўзининг микросармоялари билан эртанги кунга ишончи банд тадбиркор юртдошларимиз учун доимий даромад манбалари яратиш йўлида сабот билан хизмат қилаверади.

Банк матбуот хизмати.

Ўзбекистон «Енисей – 2012» халқаро сайёҳлик кўргазмасида

Россия Федерациясининг турли шаҳарларида «Ўзбекистонга хуш келибсиз!» шиори остида мамлакатимиз сайёҳлик салоҳиятининг тақдиротлари бўлиб ўтмоқда.

Ифтихор

Яқинда Красноярск ўлкасида ташкиллаштирилган, Сибирь минтақасининг энг йирик сайёҳлик анжумани саналмиш «Енисей — 2012» халқаро кўргазмасида Ўзбекистон манзаралари намойиш этилди. Бу бозор экспертлари, туроператорлар ва ярмарка меҳмонларининг юртимиз сайёҳлик салоҳиятига алоҳида эътибор қаратишига сабаб бўлди.

«Ўзбектуризм» Миллий компаниясининг россиялик ҳамкори томонидан мамлакатимизнинг Россия Федерациясидаги элчихонаси ҳамда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамағатлари кўмагида безатилган мазкур павильон манзаралари ўзбек миллий урф-одат ҳамда анъаналарини ўзидан мўъжасан этгани ҳолда, тадбир меҳмонларини Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент

ва Қўқон шаҳарлари бўйлаб унутилмас мароқли саёҳатга чорлади.

Қўқон Шарқ тамаддунининг бетакорор меъморий обидалари, табиатининг ранг-баранг ва беқийслиги, ўзига хос наботот ҳамда ҳайвонот олами, ажойиб хордиқ учун улкан имкониятларга эгалиги, кўп асрлик меҳмондўстлик анъаналари ва замонавий инфратузилма — буларнинг барчаси кўргазма иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Тадбирда қатнашган мингдан зиёд иштирокчилар, шу жумладан, Россия, Хитой, Жанубий Корея, Бирлашган Араб Амирликлари, Вьетнам,

Украина ва бошқа мамлакатларнинг 300 дан зиёд сайёҳлик операторлари Ўзбекистон экспозициясига алоҳида аҳамият қаратдилар. Юртимиз сайёҳлик маҳсулотлари, яқна ва жамоавий саёҳатлар дастурлари кўпчилигининг эътиборини тортиди.

Россиялик мутахассислар ҳамда тадбир меҳмонларининг яқдил фикр билдиришлари, Ўзбекистоннинг туризм имкониятлари акс этган экспозиция ўзининг миллий ранг-баранглиги, халқ амалий санъати намуналарини воситасида тарихий нафакат ўз кўзи билан кўриш, балки уни ҳис қилишга ҳам имкон бергани билан ажралиб турди. Мамлакатимизнинг салмоқли сайёҳлик салоҳияти ҳақидаги ҳужжатли фильмлар намойиши эса тақдиротнинг янада муқамал бўлишини таъминлади.

«Жаҳон» АА. Красноярск

Яхши хабар

Чиноз туманидаги Гулзоробод қишлоғи аҳолисига малакали ва тезкор тиббий хизмат кўрсатиш борасида яна бир қулайлик яратилди.

Замонавий шифо маскани

Гап шундаки, ҳудудда янги қишлоқ врачлик пункти қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу ерда «Бунёдор Соҳиббек» хусусий корхонаси бинокорлари бюджет маблағи ҳисобидан 358 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширдилар. Шунингдек, муассаса мутасадди ташкилотлар ва хомийлар кўмагида замонавий тиббиёт анжомлари билан таъминланди.

Ф. ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Хабар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРЛАРНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТҚАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2012 ЙИЛ 7 АПРЕЛДАН 13 АПРЕЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида услубий кўрсатмаларни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2012 йил 9 апрелдаги 83-мқ-сонли буйруғи.

2012 йил 9 апрелда 2352-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2012 йил 19 апрелдан қўлдан киради).

2. «Божхона қийматини тўғрилаш

БҚТ-1 ва БҚТ-2 шакллари тўлдирish бўйича йўриқномага ўзгариштириш киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2012 йил 19 мартдаги 01-02/15-4-сонли қарори.

2012 йил 13 апрелда 920-3-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2012 йил 23 апрелдан қўлдан киради).

3. «Ўзбекистон Республикаси бюджет таснифини қўлаш бўйича йўриқномага ўзгариштириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2012 йил 2 мартдаги 26-сонли буйруғи.

2012 йил 13 апрелда 2146-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2012 йил 23 апрелдан қўлдан киради).

Реклама ва эълонлар



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

ОЧИК ОФЕРТА САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Очик оферта савдосига ТИФ «Миллийбанк»нинг қуйидаги корхоналар устав фондидаги 100 фоиз улушлари қўйилмоқда:

Т/р	Аукционга қўйилган объект ва фаолият тури	Корхона жойлашган манзил	Сотувга қўйилган улуш (%)	Закалат миқдори (%) бошланғич баҳодан	Бошланғич баҳоси (сўм ёки АҚШ долларларида)	
					Сўм	АҚШ доллари
1.	«KINDER FRUITS» МЧЖдаги улуш. Болалар таомлари ишлаб чиқариш	Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри, Самарқанд кўчаси, 57-уй	100%	1%	16 367 616 000	9 550 481,97
2.	«TOSHKENT QOGOZI» МЧЖдаги улуш. Қўғоз ишлаб чиқариш	Тошкент шаҳри, Фарғона йўли кўчаси, 23-уй	100%	1%	25 854 000 000	14 802 473,38

Оферта савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар ўрнатилган тартибда тўлдирилган буюртманомаларни Ўзбекистон Республикаси ТИФ «Миллийбанк»га тақдим қиладилар ва закалат тўғрисидаги келишувга асосан, мазкур эълонда белгиланган миқдордаги закалат пулини Ўзбекистон Республикаси Миллий банкнинг БХКМадаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлайдилар: 2980100000000450047, МФО: 00450, СТИР: 200836354.

Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан закалат тўлови эркин муомаладаги валюта (АҚШ доллари)да ёки миллий валюта (сўм)да амалдаги қонунчиликка мувофиқ тўланади.

Оферта таклифларини қабул қилиш муддати 2012 йил 18 май куни Тошкент вақти билан соат 18.00 да тўхтатилади.

Оферта таклифлари тақдим этилган конвертларни очиб ва оферта савдосини ўтказиш билан боғлиқ музокаралар 2012 йил 21 май куни Тошкент вақти билан соат 11.00 да ТИФ «Миллийбанк»да амалга оширилади.

Таклифларни очиб вақтида оферта савдосида ўрнатилган тартибда қатнашаётган сармоядорлар ёки уларнинг ваколатли вакиллари иштирок этишлари мумкин.

Оферта савдосида энг мақбул таклиф киритган талабгор оферта голиби деб топилади.

100084, Тошкент шаҳри, Амир Темуր шоҳқўчаси, 101-уй. Телефонлар: (8-371) 234-11-22, 234-15-60. Факс: (8-371) 234-44-38.

WWW.NBU.COM

Кўчмас мулк сотишни ёки сотиб олишни хоҳлайсизми?

Бу борада ишончли ҳамкор излаяпсизми?

Унда шошилиб таваккал қилманг.

Акс ҳолда, вақтингиз ҳамда нақдингизни беҳудага совирушингиз мумкин.

Кўчмас мулк бозоридида 1-сонли риэлторлик лицензиясига эга бўлган «KOC'HMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ сизга кўчмас мулк, хусусан, ишлаб чиқаришга доир бино-иншоотлар ҳамда тураржой биноларини сотиш ва сотиб олишда ишончли хизмат кўрсатади.

Бунинг учун жамиятимиз юқори малакали мутахассисларининг (+99890) 998-62-72, 977-82-55, 977-77-85 телефонларига кўнгирок қилинг ва улар билан тўғридан-тўғри боғланинг. Кўчмас мулкнинг оммавий тарзда ўтказиладиган савдоларда шакланган ҳақиқий нархлар билан таққосланган ҳолда, республика миқёсида тарғиб этилиб, энг юқори нархда сотилиши кафолатланади.

Маслаҳат ва консалтинг хизматлари қонунчиликда белгиланган тартибда, шартномалар асосида амалга оширилади.

«KOC'HMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифати, қулайлиги ва арзонлиги билан сизни, албатта, қувонтиради.

Унутманг!

«KOC'HMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ кўчмас мулк бозоридида энг биринчи ва энг ишончли ҳамкордир.

Лицензия: RR-0001.

Мурожаат қилинг ва барака топинг!

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚҚ

ЎЗИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ҚУЙИДАГИ МАҲСУЛОТЛАРНИ ХАРИДОРЛАРГА ТАҚДИМ ЭТАДИ (НАРХЛАР ҚҚС БИЛАН ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНГАН)

СУВ ВА НЕФТЬ-ГАЗ ЎТҚАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР, диаметри 325-1620 мм., девор қалинлиги 6,0-24,0 мм., API-5L стандарти, баҳоси 1 тн. учун 3 950 000 сўмдан бошлаб.

СУВ ВА ГАЗ ЎТҚАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 000 000 сўмдан бошлаб.

ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТҚАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.

Квадрат кесимдаги **ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР** — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20x20, 25x25, 30x30, 40x40, 50x50, 60x60, 80x80, 100x100.

Тўғри бурчак кесимдаги **ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР** — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30x20, 40x25, 50x25, 30x60, 40x60, 40x80, 50x100, 60x80, 60x100, 80x120. Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.

КОНСТРУКЦИЯ УЧУН ПРОФИЛ — 80x40x15, 100x40x15, 100x50x20, 120x60x20, 140x60x20, 160x70x20, 180x70x20, 200x70x20. Девор қалинлиги 2,0-3,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 650 000 сўмдан бошлаб.

ПРОСНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача.

МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.

Бунёдкорлик меваси

Самарқанд шаҳридаги «Саховат уйи»да кенг қўламли реконструкция ишлари амалга оширилди.

Эзгулик

Шунингдек, бу ерда 100 ўринли замонавий ётоқхона мажмуаси қурилиб, ишга туширилди. Таъкидлаш кераки, ушбу мажмуани лойиҳалаштиришда ёлғиз кексалар ҳамда имконияти кексанлар ногиронларнинг эркин ҳаракатланиши ҳисобга олинди.

Лойиҳа қиймати 1 миллиард 39 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари «Меъмор — 96» масъулияти кексанган жамияти бунёдкорлари томонидан амалга оширилди.

М. ЗИЁДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

FIAT INDUSTRIAL

NEW HOLLAND CONSTRUCTION

NEW HOLLAND AGRICULTURE

E 215

TL 100

100 л.с.

Ута-ьянра сират

UzCaseService Tel.: 120-60-97, 120-74-50.

ООО «SHANXAY PLAST GROUP»

ПРОИЗВОДСТВЕННОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ

производит полиэтиленовые трубы

Ø от 16 до 800 мм для водоснабжения, канализации и газа,

соединительные детали: **тройники, переходники, отводы, адаптеры.**

НА ВСЮ ПРОДУКЦИЮ ИМЕЕТСЯ СЕРТИФИКАТ СООТВЕТСТВИЯ, ГИГИЕНЫ И ГИБКЯЯ СИСТЕМА СКИДК.

Производим поставку, монтаж и комплектацию ПЭ-трубопроводов Ø от 16 до 800 мм под ключ.

Гарантия качества! Звоните!

г. Ташкент, ул. Шайхантахурская, 36, бизнес-центр «Лабзак», 3-й этаж.
Тел./факс: (8-371) 244-83-00
моб.: (+998 93) 547-49-75, (+998 97) 734-46-70
WWW.pipilene.uz E-mail: sedou2006@yandex.ru

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР

ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

ОБ-ҲАВО

Корақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида: +13 +18 +30 +35

Бухоро ва Навоий вилоятларида: +13 +18 +30 +35

Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида: +10 +15 +28 +33

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида: +13 +18 +30 +35

Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида: +12 +17 +28 +33

Тошкент шаҳрида: +13 +15 +29 +31

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 454. 92 213 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳфаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орпнов. Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов. Навбатчи — Д. Улугмуродов. Мусоҳах — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.10 Топширилди — 22.00 1 2 3 4 5